


**«ТАСДИҚЛАЙМАН»
”Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлими
мудири”**


_____ **А.Қайумов**

20 октябрь 2022 й

БУЮРТМАЧИ:

« Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлими »

“Бунёдкор” МФЙ-да жойлашган Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли 16 – сонли умумий ўрта таълим мактабга барча қулайликларга эга бўлган усти ёпик, сунъий қопламали кичик футбол майдони қуриш учун смета лойха ва экспертиза хужжатлари тайёрлаш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Янгиқўрғон шаҳри -2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Янгиқўрғон туман ҳалқ таълими бўлимига қарашли “Бунёдкор” МФЙ-да жойлашган 16 – сонли умумий ўрта таълим мактабга барча қулайликларга эга бўлган усти ёпиқ, сунъий қопламали кичик футбол майдони қуриш учун смета лойиҳа ва экспертиза ҳужжатлари тайёрлаш бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг бошлағич қиймати –**34 000 000** (Ўттиз тўрт миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Янгиқўрғон туман ҳалқ таълими бўлими” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 161200, Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Янгиқўрғон шаҳари Наманган кўча 13 уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Янгиқўрғон туман ҳалқ таълими бўлими” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга малакали хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган ҳолда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг шахсий ИНН си ва паспорт нусхалари).
- Танловда қатнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.
- Танловдаги охирги йиллик иш тажрибаси.
- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.
- Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.
- Объектнинг бажариладиган ишлар жамлама рўйхати.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

”Янгиқўрғон туман ҳалқ таълими
бўлими мудирини”

А.Қаюмов

« 20 » октябрь 2022 й

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Қабул қилувчи ташкилот	Янгиқўрғон туман ҳалқ таълими бўлими
2	Буюртмачи	Янгиқўрғон туман ҳалқ таълими бўлими 16 мактаб
3	Буюртма учун асос	Манзилли рўйхат
4	Объектнинг жойлашган манзили	Янгиқўрғон туман ҳалқ таълими бўлими “Бунёдкор” МФЙ-да жойлашган 16 мактаб
5	Қатнашувчи учун талаблар	- Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг шахсий ИНН си ва Паспорт нусхалари). -Танловда қатнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан, солиқлардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома. - Танловдаги охириги йиллик иш тажрибаси. - Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари. - Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати. -объектнинг бажариладиган ишлар жамлама рўйхати.
6	Товар (иш хизмат маҳсулот) номи ва миқдори	16 – сонли умумий ўрта таълим мактабга барча қулайликларга эга бўлган усти ёпик, сунъий қопламали кичик футбол майдони қуриш учун смета лойҳа ва экспертиза хужжатлари тайёрлаш
7	Иш тури	Смета - лойҳа ва экспертиза хужжатлари тайёрлаш учун тайёрлаш
8	Хизматларни бажариш муддати	Шартномаларни имзолаган кундан бошлаб 5 кун муддатда
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Хизматларни бажариш жараёнида ёнгин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт.
10	Молияташтириш манбаи	Янгиқўрғон туман жамоатчилик фикри асосида шакилланган маблағ ҳисобидан.

Давлат харидлари ва шартнома
гуруҳи раҳбари:

Бош ҳисобчи:

Иқтисодчи:

А.Абдуллаев

У.Исломов

У.Абдувалиев